



ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Хамрокулова Ш.Э.
ЎзМУ катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: экологик тарбия, ижтимоий тарбия, инсон-табиат муносабатлари, экологик онг.

Ключевые слова: экологическое образование, социальное воспитание, отношения человека и природы, экологическое сознание.

Key words: environmental education, social education, human-nature relations, environmental consciousness.

Экологик тарбия ҳар бир даврда жамият ривожланишида инсон ва табиат муносабатларида ҳамма вақт ҳам муҳим ўрин тутиб келган. «Экология» атамаси фанга илк бор 1886 йилда киритилган бўлсада, экологик таълимотлар тарихи, экологик тарбия ҳақидаги илк маълумотлар қадимги даврларга бориб тақалади. Экологик таълимотларни ўрганган олимлар экологик билимлар ривожланишини уч даврга бўлишни таклиф этганлар. Антик давр–экологик таълимотлар пайдо бўлиши ва ривожланиши даври. Кейинги босқич янги милодий йил бошланиши ва буюк географик кашфиётларга қадар бўлган ўрта давр. Учинчи босқич XVIII асрдан то ҳозирги вақтгача бўлган давр. Антик даврга оид қадимги юнон олимлари қарашлари, қадимги битиклардаги маълумотларни келтирсак, иккинчи босқич милодий йил бошланиши, илм-фан ривожи, инсоният бошқа ҳудудларни ўзлаштириши билан характерланади. Учинчи босқичда экология тармоқ сифатида ривожланиши, экологик муаммолар вужудга келиши, инсон ва табиат муносабатларида хушёрликка чақириш ва экологик таълим-тарбия диққат марказга кўтарилади. Манбалар тахлиliga асосланиб, экологик таълимотларнинг ривожланиш босқичларини айрим келтириб ўтамыз.



Экологик тарбияга оид билимларнинг тарихан ривожланишини куйидаги босқичларда талқин қилишимиз мумкин.

- Милоддан аввалги давр
- Милодий X асргача бўлган давр
- Ўрта асрлардан XX асргача бўлган давр
- XX асрдан кейинги давр

Илк экологик таълим-тарбияга оид манбаалар эрамиздан олдинги VII – IV асрларга қадимги ҳинд трактатлари Махабхарат ва Рамайна эпосларига тўғри келади. Махабхарат эпосида 50 тур ҳайвонларга таъриф берилган. Қорамолчилик, чорвачиликка алоҳида эътибор қаратилган, соғлом турмуш тарзи, меҳнатга бўлган ҳурмат, ахлоқий, экологик тарбияга оид ғоялар тасвирланган. Табиатни эъзозлаш ва улуғлаш, жонзотларни илоҳийлаштириш Ҳиндистон маданий тарихида жуда муҳим ўрин тутган.

Қадимги Юнонистон илм-фан, тарбия, маданият бешиги бўлган. Қадимги юнонистонда илк экологик қарашлар Гиппократ (эрамиздан авалги 460 377 йиллар) асарларида кўзга ташланади. Гиппократ экологик тарбияга оид қарашларини инсон соғлиғига таъсир кўрсатувчи омиллар нуқтаи назаридан билдирган. Аристотел– (эрамиздан аввалги 384 322 йиллар) (Ҳайвонлар тарихи китоби) инсонларни бошқариш санъати ҳақида ўйлаган ҳар бир киши аввало империялар тақдири ёшлар тарбиясига боғлиқ эканини тушуниши лозим деб таъкидлаган. Теофраст Эрезий–(эрамиздан аввалги 371 280 йиллар) ботаника фанининг асосчиларидан бири. Ўсимликлар тури, иқлимий шароитларининг ўсимликлар ривожланишига таъсири, ўсимликлар тарихига оид кўплаб маълумотларни қолдирган.

Экологик таълим-тарбияга оид яна бир манбаа – бу Авестодир. Ўрта Осиёдаги экологик тарбияга оид илк маълумотлар Авестода учрайди. Суғориш тизимига оид маълумотлар, инсон саломатлиғига оид тиббий маълумотлар, ахлоқий тарбия масалаларига жуда катта урғу берилган. Меҳнатни қадрлаш, яхшиликни улуғланиши китобнинг бош ғоясидир. Биз экологик тарбияни ижтимоий тарбиянинг бир бўлаги деб қараймиз лекин экологик тарбия ва ахлоқий тарбия бир-бири билан узвий боғланган жараёндир.

Қуръони Карим ва ҳадислар нафақат экологик таълимотлар тарихида балки, ахлоқий тарбияга чақиришда дунё миқёсида катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳадислар инсонларни тозалikka, покизаликка, ахлоқан, руҳан гўзалликка чақиради. Овқатланиш маданияти, соғлом турмуш тарзи, жонли ва жонсиз табиатга бўлган муносабат, ҳаттоки энг кичик хашаротга бўлсада озор бермаслик ғоялари сингдирилган. Маънавий ахлоқий



тарбияга оид ҳадислар ва диний китобларда жуда катта урғу берилган. Ҳадисларда келтирилишича:

- Деҳқончилик билан шуғулланишлар, деҳқончилик мураккаб касбдир. Унга кўриқчиларни кўпайтиришлар.
- Эқмоқ ниятида кўлингизда кўчат турган бир пайтда беҳосдан қиёмат қойим бўлиши аниқ бўлганда ҳам уни экиб қўяверинг.
- Ҳовли саҳнларингизни тоза тутинглар, яхудийларга ўхшаманглар.
- Кишиларга соя берувчи дарахтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади.
- Ким сув тошқинини тўхтатса ёки ёнғинни ўчирса, унга шаҳидлик ажри берилади каби ҳадисларни айтиб ўтиш жоиз.

Экологик таълимотлар ўрта асрларда буюк географик кашфиётлар билан янада ривожланди. Христофор Колумб, Васко да Гама, Фернан Магеллан, Александр Гумболт каби сайёҳ олимлар нафақат «янги дунё» кашф этдилар, балки саёҳатлари давомида ҳудудларнинг ўсимлик, ҳайвонот олами, тупроқлари, табиатининг ўзига хос хусусиятларини ўргандилар.

Рус олимларидан А.Т.Болотов, И.И.Лепехин, П.С.Паллас XVIII аср охири ва XIX аср бошларида экологик таълимотлар, табиий фанлар ривожига катта ҳисса қўшдилар. А.Т.Болотов (1738 1833) Россия қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришда, доривор гиёҳлар ҳақида ва пайвандлашга доир тадқиқотлар олиб борилган. И.И.Лепехин (1740 1802) Ландшафтларнинг табиий хусусиятлари, географик минтақаларга кўра доривор ўсимликларнинг тарқалиши, Россия табиий шароити ва иқлим минтақалари, зоология ва ботаника соҳаларига оид илмий меърос қолдирди. П.С.Паллас (1741 1811) зоология, биология, ботаника, география фанлари ривожига ҳисса қўшган. Тупроқ ва сувнинг хусусиятлари, инсонлар ва ҳайвонларда касалликлар тарқалиши ва сабаблари ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, асаларичилик, ипак курти ва қорамолчилик соҳаларида янгиликларга еришди. Юқоридаги келтириб ўтган рус олимлари илмий меъросини талил қилсак, экологик тарбияга оид кўплаб маълумотларни кўришимиз мумкин. Инглиз руҳонийси ва олими Томас Мальтус (1766 1834) назарияси бутун инсониятга демографик ўсиш ва ресурслар билан таъминланишдаги фарқни кўрсатиб берди. Демографик ўсиш геометрик прогрессияда, табиий ресурслар ва озиқ овқат арифметик прогрессияда ўсиб бориши натижасида жуда кўп давлатларда озиқ-овқат ва ресурслар билан таъминланишда муаммолар юзага келишини асослаб берган.



XIX XX асрлар Экология соҳасида катта ўзгаришлар даври бўлди. Экология фан сифатида ривожланди ва Экологиянинг тармоқлари ҳам ривожланди. Эрнест Геккел экология нафақат уй-жой ҳақида таълимот, балки, табиатдаги барча компонентларнинг мураккаб муносабатларини ўрганувчи фан сифатида талқин этди. Мана шу даврларда экологиянинг бошқа фанлар билан алоқасини ҳам ўрганиш кенгайди. В.И.Вернадский, В.И.Жадин, Г.Г.Винберг, Г.Одум каби олимлар биосферадаги боғлиқликлар, экосистемалар, жонли табиатнинг бир-бири билан боғлиқлиги, алоқадорлиги бўйича экологик билимларнинг ҳам ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. 1935 йилда инглиз ботаниги ва эколог олим А.Тенсли (1871 1955) «экосистема» терминини фанга киритишни таклиф қилди. XX асрда замонавий Экология тармоқлари, тамойиллари ривожланди. Техника ва технологиянинг жадал суръатларда ривожланиши 20 асрнинг ўрталарига келиб қатор экологик муаммоларни келтириб чиқардики, экологик онг, экологик тарбия, экологик маданият тушунчаларини ривожлантириш, инсонларни экологик тарбиясини ошириш энг долзарб муаммолардан бирига айланди. Глобал муаммоларнинг асосийлари экологик муаммоларга айланди. Масалан: Озон қатлами, иссиқхона эффекти, ресурслар билан таъминланиш, касалликлар ва уларнинг олдини олиш каби муаммолар энг биринчи навбатда экологик тарбияни ривожлантириш билан боғлиқдир.

Экологик тарбиянинг педагогик асосларини Ян Амос Коменский асарларида ҳам учратиш мумкин. Ян Коменский инсон табиатнинг бир бўлаги экани ва табиат қоидаларига кўра яшаш ғояларини болаларга ёшлигидан синдиришни илгари сурган. Бу қонун «табиатга мувофиқлик» қонуни деб аталган ва Адолф Дистерверг табиат қонунларига кўра яшашни тарбия жараёнларига қўшиш кераклигини ижтимоий экологик принциплар нуқтаи назаридан талқин этган. Буни табиатга мувофиқликни у маданиятга мувофиқлик деб таърифлаган.

Экологик тарбия ривожланишида К.Д.Ушинскийнинг хизмати жуда катта. К.Д.Ушинский таълим жараёнида табиатга нисбатан тарбияни шакллантиришнинг назарий асосларини амалиётга тадбиқ қила олди. Биринчидан – таълим-тарбия жараёни мазмуни ва ташкил этишда табиатга нисбатан таълим-тарбия тамойилини қўйди ва бу экологик билимларни ҳар доим инсонга керак бўлади дея табиатга мувофиқлик тамойили сифатида таълим жараёнига киритди. Иккинчидан–бизни ўраб турган борлиқ билан муносабатимизни, табиатдан тўғри фойдаланишни ва та-



биатни англаш болани руҳияти, жисмида акс этишини ўқитувчи буларни болага англантиши энг асосий шартлардан эканини таъкидлаган.

XX асрнинг 80 йилларида жамият ва табиат муносабатлари концепцияси ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқий муносабатлар даражасига етди. А.Фрай экологик масалаларни инсон онгида 4 та аспектда талқин қилади. А.Фрай экология – дунёқарашнинг бир бутун компоненти, билиш ва англашнинг компоненти, амалий фаолиятнинг асоси ва инсон экологияси – ижтимоий объектнинг яшовчиси сифатида дея таъкидлайди.

Рус педагоги В.А.Сластёнин таърифиға кўра – «экологик таълим – таълимнинг бир қисми эмас, балки инсоният цивилизациясини сақлаб қолиш учун янги замонавий таълим туридир». Экологик тарбия методлари, дарс жараёнларида турли усуллардан фойдаланиб экологик тарбияни ривожлантириш механизмларига оид илмий тадқиқот ишлари юртимиз ва бошқа хорижий давлатларда кўплаб ўрганилган. А.Н.Захлебний. Россия экология академияси академиги, педагогика фанлари доктори, Россия экологик таълим журнали муаллифи – экологик таълим-тарбия назариясига оид жуда кўп илмий ишлар олиб борган. Хусусан олим ўрта мактабларда экологик таълим мазмунига оид назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиққан. Олим экологик таълим-тарбиянинг асосини тўрт компонентнинг алоқадорлиги – билиш, кадрлаш, меъёрни билиш, фаол қатнашишда дея таъкидлайди.

И.Т.Суравегина – биология фани ўқитиш орқали ўқувчиларда табиатга масъулиятли муносабатда бўлиш назарияси ва амалиёти ҳамда дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларнинг экологик компетентлигини ошириш масалаларида илмий тадқиқот иши олиб борган. П.И.Агаларова ўсмир ёшларда экологик маданиятни таълим-ўйин асосида шакллантириш масалалари бўйича илмий тадқиқот иши олиб борган. Мана шу тадқиқот иши асосида «Доғистон – бетакрор табиат ўлкаси» номли дастур ишлаб чиқилган ва бу дастур Доғистон республикасида жорий қилинган.

Ҳозирги кун экологик муаммоларга таълим-тарбия жиҳатидан ёндашувни талаб қилади. Экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришда тарихий-маънавий меросдан фойдаланишни рақамли технологиялар асосида оптималлаштиришни талаб қилади. Инсоннинг табиатга муносабати табиат ҳақидаги мафкуравий тушунчанинг меъерий-қийматли томонлари унинг кадриятлар тизими билан қанчалик чуқур ўзаро таъсир қилиши билан белгиланади. Экологик тарбиянинг асосий вазифаси инсонларда экологик муаммоларни ҳал қилишга бўлган ички эҳтиёжни ва унинг ҳолати учун жавобгарликни шакллантиришдир. Экологик тарбия инсонга табиат билан уйғун муносабатда бўлиш, билим ва кўникмаларни



сингдириши керак, бунда одамлар табиат билан конструктив муносабатда бўлиш усуллари ва усулларини қўллайдилар ва ривожлантирадилар.

Адабиётлар:

1. Кениг К. Лечебно-педагогическая диагностика. Чебоксары, 2001. 192 с.
2. Дубровский А.А., Лаптева Л.П. Актуальные проблемы лечебной педагогики // Образование и общество. 2004. № 2. С. 15–19.
3. Педагогика : учеб. пособие для студентов пед. вузов и пед. колледжей / под ред. П.И. Пидкасистого. М., 1995. 213 с.
4. Битова А.Л., Дименштейн Р.П., Герасименко О.А. Основные аспекты концепции и деятельности Центра лечебной педагогики. Российско-американский форум образования: электронный журнал. Volume:3, Issue: 1. 1/03/2011. ISSN 2150–3966

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада экологик тарбия механизмларини такомиллаштиришнинг методологик асослари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описаны методические основы совершенствования механизмов экологического образования.

SUMMARY

This article describes the methodological basis for improving the mechanisms of environmental education.